

**“Guliston Ekstrakt-Yog” АЖ акциядорларининг
навбатдаги умумий йиғилиши**

БАЁНИ №1

Гулистон шаҳар

27 июн 2016 йил

Умумий овоз бериш ҳуқуқига эга акциялар сони: - 493 730 дона.

Умумий йиғилишда қатнашаётган овозлар сони: - 372 170 дона.

Йиғилиш кворуми – 75,38 фоиз.

Йиғилиш раиси:

А.А.Ишимов

Йиғилиш котиби:

Д.М.Қаршибоев

КУН ТАРТИБИ

1. Акциядорлар йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг 2015 йил якуни бўйича хисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2015 йил молиявий – хўжалик йили якуни бўйича тузилган хисоботларни тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш.
5. Хисобланган лекин ўз вақтида талаб қилиб олинмаган дивидендларни қонунчиликда белгиланган тартибда жамият фойдасига олиш.
6. Жамиятнинг 2016 йил учун тузилган бизнес режасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг яккабошчилик ижроия органи коллегиял ижроия органининг аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш ёки бекор қилиш.
8. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
9. Тафтиш комиссиянинг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш.
10. Ташқи аудит хизмати ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини тасдиқлаш.
11. Кузатув кенгашига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.
12. Корпоратив бошқарув кодексини жамият фойдада тадбиқ қилиш ва хабар бериш шаклини тасдиқлаш.
13. Жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида;
 - Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом;
 - Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом;
 - Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низом;
 - Ижроия органи тўғрисидаги низом;
 - Манфаатлар қарама – қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низом;
 - Кузатув кенгаши ва котиби, тафтиш комиссияси, бошқарув органи аъзоларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом;
 - Ички назорат тўғрисидаги низом;
 - Ахборот сиёсати тўғрисидаги низом;
 - Дивиденд сиёсати тўғрисидаги низом;
14. Жамият Низомини янги таҳрирда тасдиқлаш.

Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши бошланиб, йиғилиш саноқ комиссияси

аъзолари куйидаги таркибда бир овоздан сайланди;

Санок комиссияси раиси;

Д.М.Қаршибоев – Жамиятда копоратив алоқалар бўлими мутахассиси.

Аъзолари;

Р.Р.Каримов – Бош ҳисобчи ўринбосари,

М.С.Аброров – Бош ҳуқуқшунос.

1. Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан йиғилиш раиси А.Ишимов сўзга чиқиб умумий йиғилиш регламентини йиғилганларга ўқиб эшиттирди. (*умумий йиғилиш регламенти илова қилинади*).

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ:
Умумий йиғилиш регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансин

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 372 072

Қаршиман – 98

Бетарафман - йўқ

2. Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича, Жамиятнинг 2015 йилда фаолият юритган Кузатув кенгашининг ҳисоботини жамиятнинг корпоратив муносабатлар бўлими мутахассиси Д.Қаршибоев ўқиб эшиттирди. (*ҳисобот илова қилинади*).

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ:
Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботи қониқарли деб топилсин.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 372 072

Қаршиман – 98

Бетарафман - йўқ

3. Кун тартибидаги учинчи масала бўйича, Жамиятнинг ишлаб чиқариш масалалари бўйича директори Б. Алланазаров сўзга чиқиб 2015 йил молиявий – хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи тингланди. (*ҳисобот илова қилинади*).

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ:
Жамиятнинг ишлаб чиқариш масалалари бўйича директорининг 2015 йил молиявий – хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи шартли равишда қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

Жамият бош ҳисобчиси Ғ.Усманов сўзга чиқиб 2015 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар кўрсаткичларини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. (*йиллик бухгалтерия баланси илова қилинади*).

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ:
2015 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар курсаткичлари маълумот учун қабул қилинсин ва 2015 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 372072

Қаршиман – 98

Бетарафман йўқ

4. Кун тартибидаги туртинчи масала бўйича, Кузатув кенгаши аъзоси А.Дияров сўзга чиқиб 2015 йил якунлари бўйича бухгалтерия балансида қайд этилган соф фойдадан тақсимланмаган 1 091 564 минг сўмини тақсимлаш бўйича қуйидагича таклиф киритди; тақсимланмаган фойдадан 5 % ни яъни 54 731.0 минг сўмини жамият захира капиталига, 10% ни яъни 109 114.4 минг сўмини (бир дона акцияга 221 сўм) дивиденд тўлашга, 85% ни яъни 927 718.6 минг сўмини корхонанинг уз ихтиёрида колдириб, корхонанинг РЛ – 480 кредит

линиясидан мавжуд муддати ўтган қарзини ёпишга йўналтиришни таклиф қилди.

Кун тартибидаги туртинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ:

2015 йил бўйича Жамиятнинг 1 091 564.0 минг сўмлик тақсимланмаган фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

5 % - 54 731.0 минг сўмини жамият захира капиталига,

10 % - 109 114.4 минг сўмини (бир дона акцияга 221 сўм) дивиденд тўлашга,

85 % - 927 718,6 минг сўмини корхонанинг уз ихтиёрида колдириб, корхонанинг РЛ–480-кредит линиясидан мавжуд муддати ўтган қарзини ёпишга.

Бу таклифни умумий йиғилиш овоз бериш йўли билан қуйидагича маъқуллади.

Овоз бериш натижаалри:

Ёқлайман – 372072

Қаршиман – 98

Бетарафман йўқ

5. Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича, Кузатов кенгаши аъзоси А.Дияров сўзга чиқиб корхона томонидан акцияларга хисобланган лекин акциядорлар ва уларнинг ворислари томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган дивиденд маблағларини қонунчиликда белгиланган тартибга асосан жамият фойдасига олишни таклиф киритди.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Корхона томонидан акцияларга хисобланган лекин акциядорлар ва уларнинг ворислари томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган дивиденд маблағларини қонунчиликда белгиланган тартибга асосан жамият фойдасига олинсин.

Бу таклифни умумий йиғилиш овоз бериш йўли билан қуйидагича маъқуллади.

Овоз бериш натижаалри:

Ёқлайман – 372072

Қаршиман – 98

Бетарафман йўқ

6. Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича, Жамият Режа ва иқтисод бўлими бошлиғи И.Эгамбердиев сўзга чиқиб жамиятнинг 2016 йилга мўлжалланган Бизнес режаси билан тўлиқ таништирди.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ;
Умумий йиғилиш овоз бериш йўли билан жамиятнинг 2016 йилга тузилган Бизнес режаси тасдиқлансин.

Овоз бериш натижаалри:

Ёқлайман – 372072

Қаршиман – 98

Бетарафман йўқ

7. Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича, Кузатов кенгаш аъзоси А.С.Дияров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ-4720–сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, ҳозирги вақтда жамиятда Сотиб олиш ва хом-ашё базасини ривожлантириш бўйича директор лавозимида фаолият кўрсатиб келаётган Б.Х.Амановни танлов асосида сайлангунига қадар, Жамиятда Бош директор лавозимини вақтинча бажарувчи вазифасига тайинлашни ва Жамиятнинг амалдаги ижроия органи билан шартнома муддатини узайтиришни таклиф қилди.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ; **Ҳозирги вақтда жамиятда Сотиб олиш ва хом-ашё базасини ривожлантириш бўйича директор лавозимида фаолият кўрсатиб келаётган Аманов Баҳром Хамроқуловични танлов асосида сайлангунига қадар, жамиятда бош директор лавозимини вақтинча бажарувчи вазифасига тайинласин ва жамиятнинг ижроия органи қуйидаги таркибда тасдиқлансин;**

1. Аманов Бахром Хамрокулович – бош директор вазифасини вақтинча бажарувчи
2. Алланазаров Бахтиёр Позилович - ишлаб чиқариш бўйича директор вазифасини вақтинча бажарувчи
3. Тоштемиров Қосим Тўраевич – иқтисодий масалалар бўйича директор вазифасини вақтинча бажарувчи
4. Усманов Гулом Сиддиқович – бош ҳисобчи
5. Эгамбердиев Ислон Беккулович – режалаштириш бўлим бошлиғи

Бу таклифни умумий йиғилиш овоз бериш йўли билан қуйидагича маъқуллади.

Овоз бериш натижаалри:

Ёқлайман – 372072

Қаршиман – 98

Бетарафман йўқ

8. Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича Жамиятнинг корпоратив муносабатлар бўлими мутахассиси Д.Қаршибоев сўзга чиқиб Кузатув кенгашига номзодини тавсия қилиб акциядорлар томонидан мурожат хати юборилган бўлиб, ушбу акциядорлар ҳам бугунги йиғилишда қатнашмаётганлиги ва бошқа акциядорлардан таклиф билдирилмаганлиги сабабали амалдаги кузатув кенгаши аъзоларини қайтадан сайлаш таклифини билдирди.

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ: **Кузатув кенгаши аъзолари жамият акциядорларининг 05.07.2016й.даги навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилганлиги муносабати билан ушбу масала кўрмасдан қолдирилсин.**

Бу таклифни умумий йиғилиш овоз бериш йўли билан қуйидагича маъқуллади.

Овоз бериш натижаалри:

Ёқлайман – 372072

Қаршиман – 98

Бетарафман йўқ

9. Кун тартибидаги тукизинчи масала бўйича йиғилиш раиси А.Ишимов сўзга чиқиб тафтиш комиссияси аъзолигига Жамият акциядори “Ўзпахтаёғ” АЖ томонидан 2016 йил 29 январдаги ВД/9-262-сонли хатига асосан Давлат активларини бошқариш Маркази бош ҳисобчиси Нигматов Дилшод Заирович номзодини тасдиқлаш таклифини билдирди.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ: **Жамият тафтишчиси этиб Нигматов Дилшод Заирович тасдиқлансин.**

Бу таклифни умумий йиғилиш овоз бериш йўли билан қуйидагича маъқуллади

Овоз бериш натижаалри:

Ёқлайман – 372072

Қаршиман – 98

Бетарафман йўқ

10. Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича жамият бош ҳисобчиси Ғ.Усманов сўзга чиқиб 2016 йил учун жамиятнинг ташқи аудиторлигига “Prom Audit” МЧЖ, “Magnit Finans” МЧЖ ва “Kamila–Azim–Audit” МЧЖлар ўз номзодини ва тижорат таклифларини билдирганлигини, улар томонидан таклиф қилинаётган нархлар билан йиғилганларни таништириб ўтди.

Жамият бош ҳисобчиси Ғ.Усманов жамият учун “Prom Audit” МЧЖ билдираётган таклиф ва нархлар қулай эканлигини таъкидлади.

Бу таклифни умумий йиғилиш овоз бериш йўли билан қуйидагича маъқуллади

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 372072

Қаршиман – 98

Бетарафман йўқ

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Жамиятнинг 2016 йил учун ташқи аудитори этиб, “Prom Audit” МЧЖ тасдиқлансин.

11. Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича Кузатов кенгаш аъзоси А.С.Дияров сўзга чиқиб Корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш муносабати билан “Кузатов кенгаши тўғрисида”ги Низом янги таҳрирда ишлаб чиқилганлигини ва ушбу ҳужжатда кузатов кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдорини ҳисоблаш тартиби белгиланганлигини ҳисобга олиб ушбу масалани кўрмасдан қолдириш таклифини киритди.

Бу таклифни умумий йиғилиш овоз бериш йўли билан қуйидагича маъқуллади.

Овоз бериш натижалари:
Ёқлайман – 372072 Қаршиман – 98 Бетарафман йўқ

Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОП ҚИЛАДИ: Кузатов кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори “Кузатов кенгаши тўғрисида”ги Низомда белгиланганлиги муносабати билан ушбу масала кўрмасдан қолдирилсин.

12. Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича йиғилиш раиси А.Ишимов сўзга чиқиб йиғилганларни Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган, Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини ўз фаолиятига қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шаклини жамият фаолиятида жорий этиш таклифини киритди.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОП ҚИЛАДИ; **Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган, Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбурияти олинсин.**

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини қабул қилиш тўғрисида хабар бериш шакли 2 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Жамият кузатов кенгаши Корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида бажарилиши устидан назорат қилишни таъминласин.

Бу таклифни умумий йиғилиш овоз бериш йўли билан қуйидагича маъқуллади

Овоз бериш натижаалри:
Ёқлайман – 372072 Қаршиман – 98 Бетарафман йўқ

13 ва 14. Кун тартибидаги ўн учунчи ва ўн тўртинчи масалалар бўйича бўйича йиғилиш раиси А.Ишимов сўзга чиқиб жамият ижроия органи томонидан тақдим қилинган жамиятнинг ички ҳужжатларини йиғилганларга ўқиб эшиттирди.

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом;
- Кузатов кенгаши тўғрисидаги низом;
- Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низом;
- Ижроия органи тўғрисидаги низом;
- Манфаатлар қарама – қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низом;
- Ички назорат тўғрисидаги низом;
- Ахборот сиёсати тўғрисидаги низом;

- Дивиденд сиёсати тўғрисидаги низом;
- Жамият Низомини янги таҳрирда тасдиқлаш.

Овоз бериш натижаалри:

Ёқлайман – 372072

Қаршиман – 98

Бетарафман йўқ

Кун тартибидаги ўн учинчи ва ўн тўртинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОП ҚИЛАДИ:

Жамият:

- **Устави янги таҳрирда;**
- **Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги низоми янги таҳрирда;**
- **Кузатув кенгаши тўғрисидаги низоми янги таҳрирда;**
- **Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низоми янги таҳрирда;**
- **Ижроия органи тўғрисидаги низоми янги таҳрирда;**
- **Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низом;**
- **Ички назорат тўғрисидаги низом;**
- **Ахборот сиёсати тўғрисидаги низом;**
- **Дивиденд сиёсати тўғрисидаги низом.**

Ушбу баённома икки нусхада тузилиб, бир нусхаси йиғилиш раисиди, иккинчи нусхаси жамият корпоратив муносабатлар бўлимида сақланади. Хар иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

Баённома тузилган сана 05.07.2016 йил.